
Ўзбекистон тумани ҳокимига янги ўринбосар тайинланди

Қурбанов Отабек Худошукорович Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари-туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Отабек Қурбанов 1986 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. 2009 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги-иқтисодиёт. Меҳнат фаолиятини 2009 йилда Қўқон шаҳар “Alskom” суғурта компанияси бош мутахассиси сифатида бошлаган Отабек Қурбанов 2011-2015 йилларда “Микрокредит банк”, “InfinBANK” каби тижорат банкларида мутахассис бўлиб, 2018-2019 йилларда эса Қўқон шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази инспектори, директори ўринбосари вазифаларида фаолият юритган.

Лавозимга тайинлангунга қадар Қўқон шаҳар инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида меҳнат қилаётган эди.

Ушбу вазифада ишлаб келган Яхёжон Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан лавозимидан озод этилди.

2022-04-30 17:44:59